

**ФАРҒОНА ДАВЛАТУНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВА ОДИНАХОН АЗИМЖАНОВНА

**ЎЗБЕК БАДИИЙ НУТҚИНИНГ ФОНОПОЭТИК ТАДҚИҚИ
(шеърий асарлар мисолида)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation
Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**

Турсунова Одинахон Азимжановна Ўзбек бадий нутқининг фонопоэтик тадқиқи (шеърӣ асарлар мисолида).....	3
Турсунова Одинахон Азимжановна Фонопоэтическое исследование узбекской художественной речи (на материалах лирических произведениях).....	25
Tursunova Odinakhon Azimjanovna Fonopoetiks research of Uzbek literary speech (example of poems)	49
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	52

**ФАРҒОНА ДАВЛАТУНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.Fil.05.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВА ОДИНАХОН АЗИМЖАНОВНА

**ЎЗБЕК БАДИИЙ НУТҚИНИНГ ФОНОПОЭТИК ТАДҚИҚИ
(шеърий асарлар мисолида)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil297 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Фарғона давлат университети веб-сайти (www.fdu.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Набиева Дилоро Абдуҳамидовна филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Улуқов Носиржон Муҳаммадалиевич филология фанлари доктори, профессор Розиқова Гулбахор Зайлобиддиновна филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даража берувчи PhD.27.06.2017.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «__»_____2018 йил соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz)

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Х.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

Ш.М.Искандарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида бадий нутқнинг фонопозитик хусусиятларини ўрганиш тилшуносларнинг диққат марказидадир. Тил кишилик жамиятида алоқа воситасигина бўлиб қолмай, кишиларнинг атроф-олам ҳақидаги билими ва уларнинг келажак авлодга етказувчи, тингловчида эмоционал-эстетик ҳис уйғотувчи қудратли восита ҳамдир. Инсон нутқ жараёнида кишиларга турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Нутқ орқали ифодаланган ғоя, фикр, ҳис-туйғу эса товушларнинг муайян йиғиндисидан асосланади. Товушларнинг бадий-эстетик жиҳатдан фонопозитик хусусиятларини монографик ёритиш ўз тадқиқини кутмоқда. Бадий нутқда лексик-семантик, грамматик воситалар билан бир қаторда товушларнинг жилоланиши, урғу, оҳанг, тўхтам каби фонетик бирликларнинг таҳлили ва тадқиқи бугунги кундаги муҳим масаладир.

Дунё тилшунослари томонидан лингвопозитиканинг умумий масалалари – лексик поэтика, матн поэтикаси ҳамда фонетик стилистика, фоносемантикага бағишланган бир қатор асарларда ўз аксини топган. Тилшуносларнинг товушлар символизми, аллитерация, геминация, қофия илмига бағишланган бир қатор илмий қарашларида ифодаланган. Шунга қарамай лингвопозитика соҳасида, хусусан, фонопозитикада ҳар бир тилнинг ментал ва акустик-артикуляцион томонлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Бунга араб, хитой, немис, инглиз ва бошқа тиллардаги фонетик структура, урғу, нутқ темпи, овоз тони, тембр кабиларнинг дифференциал белгилари мавжудлигини асос қилиб олишимиз мумкин.

Сўнги йилларда ўзбек тилининг ички структур бирликларини коммуникатив нуқтаи назардан ўрганиш билан бирга уларнинг эмоционал-экспрессив функцияларини, коннотатив, прагматик маъноларини ўрганиш ҳам бу тилнинг серқирра томонини ёритишда катта аҳамият касб этди. Лисоний бирликларнинг эмоционал-экспрессив вазифалари бадий асарлар тили орқали воқеланади. Бадий асар тилининг эмоционал-экспрессив вазифаларини ўрганувчи филологик фан сифатида лингвопозитика шаклланди. Лекин ўзбек тилидаги фонетик бирликларнинг поэтик имкониятлари етарлича тадқиқ этилгани йўқ. Шунингдек, миллий маданиятимиз, маънавиятимизнинг бир қисми бўлган ўзбек шеъриятининг фонопозитик таҳлили ўрганилаётган мавзунинг бугунги ўзбек тилшунослиги учун муҳимлини кўрсатади. «Яна бир муҳим янгилик–Тошкент шаҳридаги Миллий боғ ҳудудида муҳташам Адиблар хиёбони, Ёзувчилар уюшмасининг янги биноси, Қорақалпоғистонда ва бир қатор вилоятларимизда улуғ адибларимизнинг номлари билан аталган ижод мактаблари барпо этилди».¹ Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳар томонлама ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳалардан илм-фан, адабиёт,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2017 йил, 22 декабрдаги нутқи. / «Халқ сўзи». – 2017 йил, 23 декабрь. №258

санъат соҳаларини ривожлантириш ҳақидаги кўрсатмаларда ҳам мазкур вазифалар белгиланган.²

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сон «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорлари, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий ўқув тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий ва маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослик фанида лингвистик поэтика масалаларига эътибор қаратилган. Бадиий нутқ масаласи турли даврларда олимлардан В.В.Виноградов, Г.О.Винокур, А.М. Щербак, В.М.Жирмунский, Д.Н.Шмелев, И.Р.Гальперин, Б.А.Ларин, Г.В.Степанов, Ю.М.Лотман, Н.М.Шанский, В.П.Григорьев, С.В.Воронин, Б.Н.Головин, Л.А.Кантер каби тилшунос ва адабиётшуносларнинг диққатини тортган.³

Тилшуносликда юзага келган фоностистика, фоносемантика каби атамалар бадиий нутққа оид ишларда⁴ фаол учраб турса-да, фонопоэтика

² Мирзиёев Ш. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармон. / «Халқ сўзи». – 2017йил, 8 февраль.

³ Виноградов В.В. Язык и стиль русских писателей. –М.: Наука, 1990. –С.386.; Винокур Г.О. О языке художественной литературы. –М.: Высшая школа, 1991. –С.447. Щербак А.М. Соотношение аллитерации рифмы в тюркской стихосложении. «Народы Азии и Африки». –1962. №2; Жирмунский В.М. Рифма, ее история и теория // Теория стиха. –Л.: Наука, 1975. –С.316. Шмелев Д.Н. Слово и образ. – М.: Наука, 1964; Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. –М.: Наука, 1981; Ларин Б.А. Эстетика слова и язык писателя. –Л.: Художественная литература, 1974; Степанов Г.В. Язык. Литература. Поэтика. –М.: Наука, 1988; Лотман Ю.М. Структура лингвистического текста. –М.: Искусство, 1970; Шанский Н.М. Лингвистический анализ художественного текста. –Л.: Просвещение, 1990; Григорьев В.П. Поэтика слова. –М.: Наука, 1979. –С.343. Структура и функционирование поэтического текста. Очерки лингвистической поэтики. – М.: Наука, 1985; Воронин С.В. Фоносемантические идеи в зарубежной лингвистике. –Л.: ЛГУ, 1990. -199 с.; Головин Б.Н. Основы культуры речи. –М.: Высшая школа, 1980. –С.335. Кантер Л.А. Системный анализ речевой интонации. –М.: Высшая школа, 1988. –С.127.

⁴ Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика.Стилистика. –Л.: Наука, 1977. Воронин С.В. Фоносемантические идеи в зарубежной лингвистике. –Л.: ЛГУ, 1990. –С.199. Григорьев В.П. Поэтика слова. –М.: Наука, 1979. –С.343.

атамаси бадий матннинг фонетик хусусиятлари, фонетик услубий фигуралар сифатида қўлланилган.⁵ Фонографик услубий воситалар тадқиқига бағишланган диссертацияда,⁶ асосан, ёзма шакл билан боғлиқ хусусиятлар кенг ёритилган бўлиб, талаффуз томонлари анча қисқа берилган. Фоносемантикага бағишланган ишларда⁷ эса, товуш билан боғлиқ маъно-муносабатнинг ёритилишига эътибор қаратилган. Фонопоэтика маълум поэтик асарнинг фонетик бирликлар воситасида шаклланган бадий-тасвирий санъатларни, муסיқийлик, жарангдорлик, экспрессив вазифа бажариш хусусиятларини, шеърини санъатларнинг товуш, урғу ва бўғин орқали юзага келтиришдаги родини, қофия ва уни юзага келтирувчи товушлар тизимини тадқиқ этади. Фонопоэтика алоҳида мустақил объект сифатида тадқиқ этилмаган бўлса ҳам, бир қатор тилшунос олимлар ўз асарларида у ҳақда айрим қимматли маълумотларни келтирганлар. А.Абдуллаев тадқиқотида фонетик усулда экспрессивликни ифодалашнинг геминация, аллитерация каби айрим кўринишларини белгилайди.⁸

Тилшуносликнинг лингвопоэтика йўналиши ўзининг ривожланиш мақомини олди ва мазкур йўналишда салмоқли ишлар юзага келмоқда. Жумладан, З.Ҳамидов, М.Ёқуббекова, И.Мирзаев, С.Каримов, М.Йўлдошев, Г.Яхшиева, А.Абдуллаев, И.Ҳожалиев, Д.Шодиева, О.Мамазияев, М.Абдулаттаев, Г.Муҳаммаджонова, М.Акбарова, А.М.Шофқоровларнинг диссертация ва монографиялари яратилди.⁹ Шунга қарамай, ўзбек бадий

⁵Шодиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърини лингвопоэтикаси. Филол.фанлари номз.дисс. –Т.: 2007.

Ҳайдаров А.А. Бадий тасвирнинг фоностилистик воситалари. Филол.фанлари номз.дисс. –Т.: 2008. –Б.158.

⁶Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. Филол.фанлари номз.дисс. –Т.: 2007. –Б.132.

⁷Қабилова З.М. Ўзбек тилининг фоносемантик воситалари. Филол.фанлари номз.дисс. –Т.: 2008. –Б.125.

⁸Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. –Т.: Фан, 1987. –Б.3.

⁹Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. –Т.: 1992; Нурмонов А. Тилшуносликнинг адабиёт билан муносабати // Танланган асарлар. 3-жилди. –Т.: Академнашр, 2012. 3-жилд. –Б.163; Махмудов Н. Ойбек шеърини тадқиқотидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 1985. №6. –Б.48-51; Шу муаллиф. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. –Т.: 1987. №4. –Б.34-36; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати: Филол. фан. номз. дисс. автореф. –Т.: 2000; Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дисс. –Т.: 2009.; Бадий матн лингвопоэтикаси. –Т.: Фан, 2008; Лапасов Ж. Бадий матн ва лисоний таҳлил. –Т.: Ўқитувчи, 1995; Ҳамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка «Лисан ат-тайр» Алишера Наваи: Автореф. дис. канд. филол. наук., –Т.: 1982; Ёқуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари. Филол. фан. д-ри ...дисс. автореферати. –Т.: 2005; Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби: Филол.фан.д-ри ...дис.автореф. –Т.: 1993.; Бакиева Г.Х. Лингвистические основы анализа художественного текста: Автореф. дис. ...д-ра филол. наук. –Т.: 1993.; Яхшиева Г. Ўзбек тилида фонографик услубий воситалар. Филол. фанлари номз. дисс. –Т.: 1996; Ҳайдаров А.А. Бадий тасвирнинг фоностилистик воситалари. Филол. фанлари номзоди...дисс. –Т.: 2008.; Қабилова З. Ўзбек тилининг фоносемантик воситалари. Филол.фанлари номзоди...дисс. –Т.: 2008.; Абдуллаев А. Ҳозирги замон ўзбек тилида маъно кучайтиришнинг фонетик ва морфологик усули. Филол. фанлари номз. дисс. –Т.: 1970.; Ҳожалиев И. Тасвир нутқ типининг лингвистик хусусиятлари. Филол. фанлари номз. дисс. –Т.: 1998.; Чориева З.Т. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. ном. ...дис. автореф. –Т.: 2006.; Шодиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърини лингвопоэтикаси: Филол. фанлари номз. дисс. –Т.: 2007; Мамазияев О. Ўзбек поэтик нутқида хиазм ва градация. Филол. фанлари номз. дисс. –Т.: 2005; Абдулаттаев М. Ўзбек тилида суперсинтактик бутунликлар. Филол. фанлари номз. дисс. 1998; Муҳаммаджонова Г. 80-90 йиллар ўзбек шеърининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. ном. ...дис. автореф. –Т.: 2004; Акбарова М. Алишер Навоий асарларида қофия. Филол. фанлари номз. дисс. –Т.: 1997; Шофқоров А.М. Миртемир шеърини тадқиқи тақрорнинг маъновий-услубий хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди...дисс. автореф. –Т.: 2012.

нутқининг фонопоэтик хусусиятлари бўйича алоҳида тадқиқот ишлари яратилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ «Ўзбек тилининг системавий ва прагматик тадқиқи» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилининг фонопоэтик воситаларини таснифлаш, поэтик матн таҳлили орқали фонопоэтик воситаларнинг назарий асосларини белгилаш, бу воситаларнинг эстетик, эмоционал функциясини кўрсатишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

поэтик нутқни ўрганишнинг методологик асосларини белгилаш;
фонопоэтиканинг лингвопоэтика тизимидаги ўрнини аниқлаш;
поэтик нутқ экспрессивлигини оширувчи фонопоэтик воситаларнинг ролини асослаш;

аруз шеър тизимининг товуш хусусиятларини фонопоэтик жиҳатдан ёритиш;

ҳижо, рукн, ритм ва қофиянинг фонопоэтик жиҳатларини очиб бериш;
бармоқ шеър тизими элементларининг фонопоэтик жиҳатларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бадиий нутқдаги эмоционал-экспрессив, эвфоник квазифа бажариш хусусиятига эга бўлган фонетик бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини фонопоэтик воситаларнинг вазифаларини асослаш, просодик бирликларни таҳлил қилиш, асосий бадиий юк ташувчи функционал, прагматик фонетик бирликларни шарҳлаш ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Фонопоэтик бирликларнинг умумназарий муаммоларини, ўзига хос хусусиятларини аниқлашда, бадиий матнда фонетик бирликларнинг прагматик хусусиятларини очиб беришда узвий-компонент таҳлил, дистрибутив, оппозитив, герменевтик, тавсифий усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек шеърининг геминация, ономатопея, анаграмма, фонетик такрор каби фонопоэтик воситаларининг аҳамияти асосланган;

поэтик нутқни тушуниш ва тушунтиришда герменевтиканинг методологик роли белгиланди ҳамда поэтик матн қурилишида унли ва ундош товушларнинг эмоционал-экспрессив вазифалари асосланган;

бадиий нутқда товушларнинг поэтик, прагматик ва семантик функциялари, уларнинг коннотативликни оширишдаги аҳамияти аниқланган;

ўзбек шеър тизимида фонетик бирлик воситасида поэтик ифодани юзага чиқаришнинг фонопоэтик омиллари далилланган;

ҳижо ва рукннинг шеърнинг бадиий қувватини оширишдаги аҳамияти, ритм ва қофиянинг шеър мусиқийлигини таъминлашдаги роли товушдошлик билан белгиланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

фонетик воситаларнинг ўзбек бадиий нутқидаги поэтик функцияси диалектик фалсафа ҳамда миллий ўзликни англаш методологик асосларига кўра аниқланган;

шеърий нутқда товушларнинг поэтик маъно ҳамда уларнинг рамзий ифода хусусиятлари очиб берилган;

ҳижо, руқн, ритм ва қофиялар фонетика қонун-қоидалари асосида майдонга келиши ва уларнинг фонопоэтик воситалар сифатидаги вазифаси далилланган;

ўзбек шеърий тизимлари фонопоэтик тадқиқот объекти эканлиги асосланган;

бадиий ифода воситаси бўлган қофияда фонетик бирликларнинг ўрни кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илгари сурилган масаланинг аниқлиги, тадқиқ усулларининг илмий мақсадни юзага чиқаришда тўғри қўлланганлиги, муаммони тадқиқ этишда илмий-назарий манбаларга таянилганлиги, тадқиқот жараёнида олиб борилган таҳлилларнинг назарий асосга эга эканлиги билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, у ўзбек лингвопоэтикасини янги назарий материаллар билан тўлдиради. Шеърий асарларнинг фонопоэтик хусусиятлари атрофлича ёритилади. Тадқиқотнинг илмий натижаларидан олий ўқув юртлари филология факультетида 5A220100-лингвистика магистратура йўналишида талабалар танлови фанларини ўқишда ҳамда 5141100-ўзбек тили ва адабиёти бакалаврият йўналиши бўйича таълим олувчиларга «Бадиий матннинг лисоний таҳлили», «Ҳозирги ўзбек адабий тили», «Тилшунослик назарияси» фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацион ишдан ўзбек тили фонетикаси, стилистикаси, бадиий асар тили, матннинг лисоний таҳлили бўйича олий ўқув юртларида маъруза ўқишда, махсус курс ва семинар машғулотлари олиб боришда, тилшуносликнинг юқоридаги соҳалари бўйича дарслик ва қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек бадиий нутқининг фонопоэтик тадқиқи мавзусида олиб борилган тадқиқотлар асосида олинган натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

бадиий нутқни шакллантирувчи фонетик бирликлар тадқиқида «Узлуксиз таълимда ўқувчилар тил компетентлигини шакллантиришнинг замонавий усуллари» мавзусидаги А-1-126 рақамли амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 январдаги 89-03-22-сон маълумотномаси). Натижада грант доирасида яратилган услубий қўлланмаларнинг илмийлиги ортди;

масалларда товушларнинг поэтик маъно ҳамда уларнинг рамзий ифода хусусиятларини очиб беришда ЁФ 8-08 рақамли «Масал ва масал типидagi асарларнинг қиёсий-типологик тадқиқи» мавзусидаги фундаментал ва

амалий тадқиқотлар илмий-техник дастури грантида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 январдаги 89-03-22-сон маълумотномаси). Натижада масалларнинг фонетик хусусиятлари бўйича қарашларнинг илмийлиги оширилди;

фонопоэтик воситаларнинг аҳамияти хусусидаги хулосалардан Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг эфирга узатилган «Ижод гулшани» кўрсатуви ҳамда «Андижон–ФМ» радиосининг «Кўнгил бекати» радиоэшиттириш сценарийсида фойдаланилган (Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 29 январдаги 20-24/30-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув ва эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқотнинг натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Поэтик матнда фонопоэтик воситаларнинг ўрни»** изоҳланади. Биринчи фасл **«Фонопоэтика лингвопоэтиканинг таркибий қисми сифатида»** деб номланади. Тилшунослик билан адабиёт ҳам бир-бири билан узвий боғлиқ фанлар ҳисобланади. Уларнинг бир-бирига материал берувчи соҳа эканлиги маълум. Тилшунослик ва адабиётшуносликнинг алоқадорлиги ҳақидаги қарашлар, умуман, бадиий матн лингвистикаси масаласи анча қадимда Арасту, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий¹⁰ ва бошқа етук қомусий олимларнинг асарларида ёритилган. Бироқ, лингвопоэтиканинг илмий-

¹⁰ Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. –Т.: Янги аср авлоди, 2004.

Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

Абу Али ибн Сино. Фонетика ҳақида рисола. – Т.: Ўзбекистон, 1979.

назарий тадқиқ этиш ва ривожланиш даври яқин йиллар ичида тараққиёт босқичига кўтарилди, дейиш мумкин. Бадиий матн таҳлилида макон ва замон муносабати муҳим ҳисобланиб, объектга муайян давр нуқтаи назаридан ёндашсагина, унинг моҳияти, мазмуни ва ифода воситаларига муносабати объективлик касб этади. Бу масала, айниқса, фонетик тизимда муҳимдир. Чунки «туркий тиллар тарихида фонетика энг чигал ва мураккаб соҳадир. Бунинг ҳақиқий (объектив) сабаблари ҳам, ижтимоий сабаблари ҳам мавжуд. Тарихий фонетикани ўрганишдаги қийинчилик ҳам шундан иборатки, фонетика талаффуз билан боғлиқ, талаффуз эса XX асрнинг ўрталаригача ҳеч қаерда аниқ қайд этилмаган.»¹¹

«Ёзув ҳеч қачон талаффузни тўлиқ ва аниқ акс эттирмайди. Хусусан, туркий халқлар IX асрдан бошлаб фойдаланиб келган араб ёзуви ҳам том маънода Н.К.Дмитриев (Дмитриев А.К. Строй тюркских языков. Москва, 1962, 608-стр) ва П.М. Мелиоранский (Араб филолог о турецком языке.–СП., 1900, 85-стр)лар таъкидлаб ўтганидек, туркий тиллар тарихий фонетикасининг гўркови бўлди. Чунки араб алифбоси атиги 3 та унли фонемали (а,у,и) сомий тилларнинг фонетик хусусиятларига мослаштирилган ва 9-12 унлили туркий тиллар фонетик тизимига умуман мос келмайди».

Матн тилининг адабий тилга ва умумхалқ тилига муносабатини аниқлаш лингвопоэтик бирликларнинг компонент таҳлили учун муҳимдир. Чунки ҳар қандай таҳлил давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб адабий тилга ёндашган ҳолда таҳлил этилади. Поэтик актуаллашган тил воситаларини аниқлашда товушдан тортиб синтактик бирликларгача таҳлил этиш мумкин.

Поэтик нутқ фонетикаси энг муҳим ўрганиш объекти бўла олади. Чунки бу сатҳнинг поэтика билан муносабати кенг доирада ўрганишни талаб этади. Бармоқ шеър тизимининг бўғинлар миқдорига асосланишини биламиз, ундан ташқари туроқларга бўлиниши, интонацион хусусиятлари, паузанинг ўрни ва товушлар билан боғлиқ бир қанча санъатларнинг юзага келишида фонетика ва поэтиканинг туташ нуқтаси–фонопоэтика юзага келади. Фонопоэтика поэтик нутқнинг фонетик тадқиқи. Буни эса кенг маънода қабул қилиш керак. Сабаби, фонетик қонуниятларнинг ҳар бирини таҳлил этиш билангина фонопоэтиканинг моҳияти очилмайди. Унга ёндош тарзда фонетик қонуниятлардан поэтик мақсадда фойдаланган ўринлар, ёзувда унчалик англамаган, лекин ўзи бир нечта яширин маъноларини ифода этувчи ҳолатлар ҳам кузатилади. Шеърятнинг қурилиш материали ҳам аслида фонетик бирликлардир.

«Поэтик нутқнинг экспрессив вазифаси» номли фаслида шеърый асарларда фонетик воситалар орқали юзага чиқадиган экспрессия таҳлил қилинади. Бирор матндаги нутқий бирликлар умумлашиб коммуникатив вазифа бажариши билан бирга эмоционал-экспрессив функцияга ҳам эга бўлади. Чунки сўзловчида ўз нутқи орқали ахборот етказишигина эмас, ўз ҳис-туйғулари ва муносабатини, кечинмаларини ифодалаш эҳтиёжи мавжуд

¹¹ Жумаев Т. Умар Боқий асарларининг лисоний хусусиятлари. Филол.фанлари номзоди...дисс. –Т.: 1997. –Б.25.

бўлади. Эмоционал-экспрессив нутқ тингловчига таъсир ўтказиш мақсадида йўналтирилади. Поэтик нутқ одатда ҳис-туйғу, кечинмаларга тўйинтирилган бўлади. Нутқнинг бундай таъсирчанлик хусусияти экспрессия деб аталади.¹³ Бу хусусият лексик, грамматик ва бошқа воситалар ёрдамида юзага келади. Поэтик нутқда фонетик воситалар иштирокида ҳам экспрессивлик ҳосил қилиш мумкин. Масалан: сап-сарик, қип-қизил, тўппа-тўғри сўзларида белгининг мўлжалдан ортиқлигини, кучлилигини фонетик восита, яъни бош бўғинни сўз олдидан такрорлаш орқали юзага келтирилади.

*Мусофирлик кўчасида/
Менинг ҳам бағрим/
Анорзор каби/
Гуллади қип-қизил. (Турсун Али)*

Мазкур поэтик матнда табиат ва воқеалар тасвири қалбга кўчганини кўрамиз. Лирик қаҳрамоннинг муайян руҳий ҳолати, яъни «бағрини қонга тўлгани» бирикмаси ўрнида «анорзор каби», «қип-қизил» сингари сўзлар қўлланган. «Қизил» сўзининг меъёрдан ортиқлигини ифодалаш ва аллитерацияни юзага келтириш учун биринчи бўғин сўз олдидан орттирилган. Бағирнинг анорзор каби қизариб гуллаганлигининг меъёридан ортиқлигини ушбу фонетик восита амалга оширган. Шеърнинг ифодаси шу усул воситасида кучайтирилган. Нутқий ҳолатнинг «экспрессив функцияси» атамаси тилшуносликка оид тадқиқотларда «нутқнинг поэтик вазифаси», «нутқнинг бадиий вазифаси», «эстетик вазифаси» каби атамалар билан ҳам қўлланади. Бадиий асарни лингвистик аспектда ўрганган тилшунос М.Йўлдошевнинг таъкидлашича, тилнинг «эстетик вазифаси тушунчаси экспрессивлик, бадиийлик, поэтиклик каби бир қатор тушунчаларни ҳам ўз ичига олган ҳолда уларни умумлаштира олади. Бошқача қилиб айтганда, мазкур тушунчаларга қараганда эстетик вазифа тушунчасининг қамрови анчайин кенг»¹⁴. Эстетик вазифа тилнинг асосий коммуникатив вазифасини қулайлаштиради, унинг имкониятларини бойитади. Тил ва нутқ айна шу эстетик вазифаси билан ифодалилик, таъсир қувватини намоён этади¹⁵. Фонетик сатҳдаги нормадан оғиш муайян бадиий-эстетик мақсадни кўзлаган ҳолда сўзлардаги нутқ товушларининг одатдагидан чўзиб, орттириб ёки тушириб талаффуз этилиши, бир товуш ўрнида бошқасининг талаффуз қилиниши каби шаклларда кузатилади. Сўздаги товушнинг чўзиб талаффуз этилиши маънони кучайтиришга, белгини орттириб ифодалаш, руҳий ҳолат ёки муайян муносабатни аниқроқ ифодалашга хизмат қила олади.

¹³ Горохова Л.А. Слова звуковые особенности стихотворной текста кпервому/ к последному. //http://www/BtstReferal.ru/ referat.

¹⁴ Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. –Т.: Фан, 2008, –Б.9.

¹⁵ Махмудов Н. Нутқ маданияти ва тилнинг эстетик вазифаси. –Т.: Филология масалалари. 2006, 2(11). –Б.47-51.

*На шахду на шиддат, на журъат қолди,
На ахду на рағбат, на суръат қолди,
Тушида кўрган каби шу(л) су(в)рат қолди,
Биздан су(в)рат қолди холос, севгилим*

(И.Мирзо. Сизни куйлайман. 354-б)

Сўзловчи мазкур мисолни кучли руҳий хиссиёт билан ёзганлиги унинг маъно мазмунини кенглигидан сезилиб турибди. На..., на... инкор боғловчиси орқали бўлишсизлик, яъни дастлаб мавжуд бўлган (шахд, шиддат, журъат, ахд, рағбат, суръат) туйғуларнинг эндиликда тугаб битгани ҳақида булардан (туйғулардан) ёдгорлик, мерос сифатида фақатгина суврат (аслида сурат, расм) қолганини айтмоқчи, бунинг ифодаси учун эса бир қанча фонопоэтик воситалар иштироқ этган. Аслида бундай фонетик ҳодисалар шунчаки эмас, балки муайян поэтик мақсадни кўзлаган ҳолда келтирилади.

Хуллас, тилнинг бошқа вазифалари билан бир қаторда экспрессив вазифаси жуда муҳим, сўзловчининг субъектив баҳосини тингловчига ёки оммага етказувчи, айниқса, таъсирчан, кучли ифода усулига таянган ҳолда ифодаловчи вазифасидир. Экспрессивлик сўзловчининг психологик нуқтаи назаридан келиб чиқиб ифодаланади.

Учинчи фасл «**Фонопоэтик воситалар таснифи**» деб номланган. Фоника – юнонча (phōnikos) сўз бўлиб, овозли жаранглар, деган маънони билдиради.¹⁶ Тақлид сўзлар лексик маъно англатмаслиги ҳақидаги фикрлар анча кенг оммалашган. Рус тилшуноси А.Тихонов товушга тақлид сўзлар номинатив функция бажармаса-да, лексик маъно англатади ва улар яхлит сўзлардир, деган фикрни илгари суради.¹⁷ Товушларга тақлид овозлар ҳолатининг ёритилишига уринишлар қадимги грек стоиклари мактабига оид бўлиб, улар товуш ва мазмун алоқадорлигини товушга тақлид (инсон фаолияти натижасида товушлар) асосида тушунтирадилар. Товуш тузилишида товуш ва мазмун алоқадорлиги турли даражада намоён бўлади. Онаматопея–поэтик нутқда шеър ёки прозадаги товуш ҳодисаларига бадиий тақлид қилиш усули.¹⁸ Масалан, қуйидаги шеърини парчада табиат ҳодисаси рўй берадиган жараёнда ҳосил бўладиган товуш хусусиятларига нутқ товушларидан бири табиатан мутаносиб келиши кузатилади:

*Шовқинлар шошадир чирмаб олмакка/
Сирмаб тортаверар умр шамоли./
Ҳаккадай ҳаккалаб ўтаверар вақт./
Қариб қолмоқдамиз, бирга айолим.*

(Абдували Қутбиддин)

¹⁶ Литературный энциклопедический словарь. –М.: Московская энциклопедия, 1987. –С.470.

¹⁷ Тихонов А.Н Междометия и звукоподражания слова // Русская речь. –М.: Наука, 1981. –С.72-76.

¹⁸ Хотамов Н Саримсоков Б. Адабиётшунослик терминларининг русча ўзбекча изоҳли луғати –Т.: Ўқитувчи, 1979. –Б.215.

«Ш» товушининг табиатан шовқинли эканиданш «шовқин», «шошмоқ», «шамол», ёхуд «шивир», «шиддат» каби сўзлар ифодалайдиган маънолардан шовқинлилик хусусияти англашилади. Товушлар символизми—муайян товушларга уларнинг талаффузи ёки табиатидан келиб чиқиб шартли равишда бирор мазмун беришдир. Тилшуносларнинг баъзилари айрим товушларга ижобий маъно берсалар, баъзи тилшунослар салбий маъно берадилар. «Р» ҳарфи—тезликнинг, шиддатнинг рамзи, «л»— ҳарфи виқорнинг, силлиқликнинг, ялтироқликнинг ифодачиси, «и» торнинг, «а» кенг ва каттанинг белгиси сифатида талқин қилинган.¹⁹ Товушларга бирор маъно юклаш жиддий илмий асосга эга бўлмаса-да, бундай шартлилик замирида эмоционал – экспрессив функция туради. Айрим тадқиқотларда нутқнинг товуш шаклланишининг эстетик мазмун жиҳатига эътибор қиладилар ва сўз таркибига кирган товушларни сўз маъносидан қатъий назар алоҳида товушлар гаммаси ҳолида текширадилар.²⁰ Товуш ва мазмун алоқадорлиги товушлар ассоциациясига асосида юзага чиқади. Аллитерацияга асосланган товушлар аввал зикр этилган ёки қайд этилмаган муайян «калит сўзлар»га ишора қилади. Фердинанд де Соссюр томонидан анаграмманинг бу тури ишлаб чиқилган. Анаграмма – юнонча (anagrammatismos) сўз бўлиб, ҳарфларнинг ўрнини алмаштириш демакдир. Товушларнинг бирор сўз таркибида ўрин алмаштириб келиши ёки бошқа сўз таркибида иштирок этиши ҳисобланади.²¹ Умуман олганда, товушларнинг товланиши, маъно нозикликларининг ифодаси айнан поэтик нутқда ҳамда тақлидларда яққол кўзга ташланади.

Фонетик усул билан маъно кучайтириш ўзбек тилида бошқа усулларга нисбатан энг фаол ва универсал ҳисобланади. Мазкур воситалардан бири фонетик такрорлардир. Такрор нутқ жозибadorлигини оширувчи асосий воситалардан бири саналиб, унинг бир неча кўринишлари мавжуд. Унинг ҳар бир кўриниши муайян позиция (шакл)га ва муайян мақсад (маъно)га эга бўлиб, сўзловчи билан тингловчи ўртасидаги маълум алоқа мақсадини таъминлайди. Товуш такрори дастлаб О.Брик томонидан киритилган ва у фақат ундош товушдаги такрорга нисбатан қўлланган. Кейинчалик бу термин поэтик нутқдаги унли ва ундош товушларга нисбатан ҳам қўлланиладиган бўлди.²² Аллитерацияга берилган таърифлардан А.М.Щербакнинг изоҳи энг мақбули десак хато бўлмайди. Унинг «ҳар қандай бошланғич товушлар ёки товушлар гуруҳининг аниқ ёки тахминий оҳангдошлиги, шунингдек, унлилар гармониясига асосланган ҳар бир қатор ёки шеърий қаторлардан келиб чиқувчи маълум сифатий белгиларнинг оҳангдошлиги аллитерациядир», - деган фикрига таяниш мумкин.²³

¹⁹ Йўлдошев М. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. –Т.: Фан, 2008.

²⁰ Особенности перевода агломератов звукоподражательных единиц //http:// wwwBestReferat –45392. html / 09:13:38. 25 август 2005.

²¹ Литературный энциклопедический словарь. –М.: Советская энциклопедия. 1987, –С.22.

²² Словарь литературоведческих терминов. –М.: 1974, –С.89.

²³ Щербак А.М. Соотношение аллитерации рифмы в тюркской стихосложении. «Народы Азии и Африки».

Поэтик нутқ хусусиятларидан баъзи жиҳатларини очиб берувчи, унинг образли тарзда намоён бўлишини белгиловчи ва, албатта, сўзловчининг маълум маънодаги муносабатини акс эттирувчи воситалардан бири интонация (лотинча «intonere»-баланд товуш билан талаффуз қилиш)дир. Товуш темпи, тембри, гапириш манераси, сўзларни талаффуз этиш усуллари, овознинг нутқ товуши доирасида ва муайян вақт бирлиги давомида товланиши сифатида баҳоланаётган интонация сўзловчининг тингловчига ёки бирор предметга бўлган маълум бир муносабати (мурожаат, хитоб, киноя, гина, ачиниш, шодланиш, таажжуб, ғазаб)ни англаувчи ифодавийликнинг асосий воситасидир ва бу хусусият поэтик фикрни тингловчига жозибали, сержило ва таъсирчан етиб боришига хизмат қилади.

Фонопоэтикада товушдош сўзлар жуда муҳим аҳамиятга эга. Улар бир-биридан атига битта товуш билан фарқланувчи, турли хил маъноларга эга бўлган сўзлардир. Ҳар бир унли ва ундош товушнинг талаффузи шеърнинг мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартириши мумкин. Масалан:

*Бир ажойиб қор ёғар бу кеч, /
Учиб тушар менинг ёнимга.../
Мен-ку сени ўйламасман ҳеч, /
Сен тушасан аммо ёдимга...*

(Иқбол Мирзо)

1) кеч - ҳеч; 2) ёнимга - ёдимга; 3) мен - сен ва ҳоказо тарзида.

Юқоридаги мисолдан кўринадики, турли хилдаги фонетик ходисалар (товуш алмашиниши, товуш ортиши, товуш тушиши) шеърнинг оҳангдорлигини янада оширади.

Поэтик нутқда (оккозионал) услубий мақсадни ифодаловчи оҳангдорликнинг яна бири геминациядир. Тилшуносликка оид адабиётларда шундай таъриф келтирилади: кетма-кет келган айнан бир типдаги ундош.²⁴ Туркий тиллардаги геминация ҳодисаси ҳақида дастлаб Н.К.Дмитриев, сўнгра В.В.Решетов, А.Н.Кононов, И.А.Киссен ишларида қайд этилади. Геминация ҳақида яна А.Ғуломов, М.Миртожиев, А.Нурмонов, А.Ҳайдаров, А.Абдуллаев, М.Йўлдошев, Т.Ҳазагеров ва Л.Шириналарнинг асарларидан маълумот олишимиз мумкин²⁵. Геминация бадий нутқда маълум поэтик мақсадни кўзлаб кўлланилади.

–М.: 1962. №2. –С.142.

²⁴ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002, –Б.30.

²⁵ Дмитриев Н.К. Двойные согласные в тюркских языках // Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. –М.: 1955. –С.261-264. Решетов В.В. Фонетическая структура слова // Учёные записки. Вып.ХІІ. –Т.: Фан, 1959. –С.23.; Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. –С.34.; Киссен И.А. Краткий очерк фонетики русского языка в сопоставлении с фонетической узбекского языка. –Т.: 1952. –С.35. Гуломов А. Проблемы исторического словообразования узбекского языка. Докторская диссертация. –С.123.; Миртожиев М. Ўзбек тили фонетикаси. –Т.: 2013. –Б.320.; Нурмонов А. Принцип экономии в фонетических изменениях узбекского языка. Автореф. Дисс. ...канд. филол. наук. –Т.: 1973. –С.12-14.; Ҳайдаров А. А. Бадий тасвирнинг фоностилистик воситалари. ном. ...дис. автореф. –Т.: 2008. –Б.10.; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. –Т.:

*Бирдан-бир ўйноқи, шаффоф, руҳ елди,
Шаккар совурилди бебоиш шамолда./
Биринчи қор каби биринчи севги/
Фақат осмондадир, фақат хаёлда.*

(Иқбол Мирзо Сизни куйлайман, 72- б)

Бу ўринда «шаффоф» сўзи ўз маъносида ифодаланган. «Шаккар» сўзида эса бир «к» товуши орттирилган. Аслида бу сўз «шакар» тарзида бўлиши керак. Сўзловчи ўзининг ёқимли ҳолатини йўқотганини, тинчи бузилганини, яъни «шаффоф руҳ» нинг бирдан қалбига келганлиги, кейин эса шамолда (хаёт йўлларидаги, майда, маиший турли-туманликларда) ўша ширин, ёқимли туйғуларидан айрилганини таъсирчан оҳангда ифодалаш, тотли ҳисларини йўқотгани данғазабланиш мазмунини етказиб беришда геминация усулидан фойдаланган. Геминация ҳодисаси юқорида кўрсатилган манбаларда фақат ундошларнинг жуфтлашиб келиши, дея талқин қилинган. Бироқ геминацияни товушларнинг, яъни ҳар қандай товушнинг кетма-кет, жуфтлашиб келиши деб талқин қилувчилар ҳам учрайди.²⁶

*Хаззоним йўртида гулладинг,
Гу-ул ўлсанг ранинг ман бўлсайдим.*

(Салим Ашуур)

Бу ерда «хазон» сўзига бир «з» маънони кучайтириш орқали кўшундошлилик (геминация)ни ҳосил қилаётган бўлса, «гул» сўзида бир «у» унлисини орттириш билан сўзловчи ўз мақсадини экспрессивликни ошириб тингловчига етказган. Бундан ташқари товуш тушиши (ўлсанг-бўлсанг, прокопа) ҳодисаси ҳам учрайди.

Ишнинг иккинчи боби «**Арузнинг фонопоэтик хусусиятлари**» деб номланган. Биринчи фасл «**Аруз лингвопоэтик объект сифатида**» деб аталган. Аруз тизими қоидаларига эътибор берилса, у дастлаб ҳижоларга ажралади. Ҳижолар эса маълум товушлардан ёки товуш бирикмаларидан ташкил топади. Ҳижоларнинг маълум тартибда каттароқ бўлакларга бирлашиши эса рукнни келтириб чиқаради ва бу аниқ интонацион мосликка асосланади. Ҳижо ва рукнларнинг мослиги эса бир маромдаги ритмик ҳолатни юзага келтиради. Бадиий нутқда ҳижонинг айрим хусусиятлари М.Миртожиевнинг асарларида ҳам кўрсатилган.²⁷ Ритмик интонацион даврлар эса мисраларни ташкил қилади, бу эса оҳанг ҳамда тўхтам (пауза)нинг муסיқийлик ҳосил қилишдаги ролини кучайтиради. Поэтик нутқни арузнинг маълум қолипига тушириш учун мазмун сустлашмаслиги

1987. –Б.3. Ёўлдошев М.Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик сатҳ асослари. –Т.: Фан, 2007. –Б.7. Хазагеров Т.: Ширина Л. Беседы о риторике //http://www.relga.ru. n 76/ rus 76 htm.

²⁶ Хазагеров Т.: Ширина Л. Беседы о риторике //http://www.relga.ru. n 76/ rus 76 htm.

²⁷ Миртожиев М. Кўрсатилган асар. –Б.160.

керак, балки аруз шакли ва арузий шеър мазмуни бир–бирини тўлдиради, бойитади. Аруз тизимидаги поэтик нутқда, айниқса, кўп маъноли сўзларнинг вариантларидан фойдаланиш билан бирга товуш орттириш, ўзгариш, товуш тушиши, алмашилиши ёки иккилантириш, унлини чўзиш, каби ҳодисалардан фойдаланиш мумкин. Масалан,

*Таъни замонлар ўқлари кўксимиз(н)и ҳадаф қилур,
Келма(о)гидин (гидан) нишона йўқ, келмаса–келмасун(син) нетай.*
(Завқий)

*Жафоу (ва) жавр ила (билан) зулминг менга бедодлар қилди,
Карашманг кўрса қат(л) айлар, демас бу додҳоҳимдур.*
(Машираб)

Бу мисолдаги шакл ва мазмун бир-бирига жуда уйқаш келган, шаклдаги ўзгариш, яъни «кўксимиз(н)и», «келмагидин», «келмасун», «жафоу», «жавр», «ила» кабилар аруз тизими талаби ва ўша давр тил хусусиятлари қонуниятлари билан айрим фонетик қонуниятларнинг анормал келиши (қўлланиши) кузатилади, бунда фонетик қонуниятлар турли ўзгаришларга учраши табиийдир, шундай сўзлар ҳам борки, улар турли вариантларда ишлатилиши мумкин ва бундан ҳеч қандай мазмуний ўзгариш юз бермайди: чунки ўша давр тил шакллари бўйича тўғри келади ва ҳозирда ҳам поэтик матн таркибида фаол учрайди. Ҳижо аслида тилшуносликнинг ўрганиш объекти дейиш ҳам хато эмас, чунки у фонетик сатҳнинг мундарижасига киради. Адабиётда, хусусан шеъриятда ҳижо жуда катта ўрин тутаяди. Чунки мисралардаги ҳижоларнинг чўзиқ ёки қисқалиги шеър характерини белгилайди. Тилнинг ривожланиш жараёни шуни кўрсатадики, ҳар қандай тилнинг фонетик тузилишида давр ва вақт билан боғлиқ ўзгаришлар учраб туради. Бу эса ўша тилнинг асосан фонетик ва лексик сатҳига, грамматик жиҳатига таъсир этмай қолмайди. Тилнинг фонетик хусусиятига эътибор берсак, бир даврнинг ўзида бир вилоятда ҳам турлича фонетик вариантлар учрайди, бу эса фонетик сатҳда вариантлашув ҳодисаси юқориликдан далолат беради. Мумтоз шеърият ва ҳозирги замон шеъриятининг фонетик жиҳатлари ва фонетик воситаларида ҳам айрим фарқланишлар кузатилади.

Хулоса қилганда, шарқ шеъриятининг фонетик хусусиятлари, хусусан, аруз тизимидаги фонетик хусусиятлар тилшуносликнинг ҳам муҳим тадқиқот объекти ҳисобланади.

«Ҳижо ва рукннинг фонетик хусусиятлари» деб номланган иккинчи фаслида аруз вазнидаги ҳижо тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилади. Ҳижонинг поэтик функцияси жуда муҳим саналиб, у ҳозирда нафақат адабиётшунос олимларни, балки тилшуносларни ҳам қизиқтирмакда. Сабаби у лингвистик бирлик–бўғинбилан бир ҳодиса сифатида келтирилади. Ҳижо шеърий нутқнинг асосий мезони бўлиши билан бирга экспрессивликни таъминловчи ва нутқнинг сегмент бўлакларидан бири

сифатида ҳам кўринади. Сегментланиш натижасида юзага келадиган ҳижо ва ундан катта (такт, фраза) бирликлар тилшуносликнинг ўрганиш объектидир ва у фонопоэтик тадқиқ таркибида бўлиши шубҳасиз. Такт, фраза кабилар ҳам ҳижога ёндош бўлиб, интонацион бўлақларнинг, интонацион бутунликнинг, тўхтамнинг ва мантиқий урғунинг ўрнини аниқлайди. Шу хусусияти билан коннотатив маъно юкини олишга хизмат қилади. Албатта, тўхтам ҳам мантиқийликни ўзгартириб юбориши мумкин.

Бобнинг учинчи фасли «**Ритмнинг поэтик хусусияти**» деб номланган. Ритм фраза ва тактларда урғули ва урғусиз ҳамда чўзиқ ва қисқа бўғинларнинг алмашиб туришидир. Фразанинг ритмик структураси нутқнинг асосий фонетик белгиларидан бири бўлиб, у фразани пауза ёрдамида кичик бўлақларга бўлиш учун хизмат қилади.²⁸ Шеър (поэтик) нутқдаги муайян бўлақларнинг бирор тенг вақт ичида изчил ва бир ўлчовли такрорланишига ҳам ритм дейилади. Ритм қадимдан мавжуд бўлиб, қадимги манбаларда ҳам, муқаддас «Қуръони карим»да ҳам, машҳур битиктошларда ҳам буни кузатиш мумкин. Арасту ўзининг «Поэтика» асарида ритм ҳақида қимматли маълумотларни келтиради ва унинг фикрлари ритми анча қадимда олимларга маълум бўлгани, уларни қизиқтиргани ҳақида тушунча олиш мумкин: «баъзи кишилар маҳорат, баъзилар малака сабабли, яна баъзилар туғма истеъдодлари туфайли бўёқлар ва шакллар ёрдамида кўп нарсаларни тасвирини ўхшашини тасвирлайдилар. Ҳозиргина эслаб ўтган санъатларнинг ҳаммасида ҳам алоҳида ё ритм, ё сўз, ва ёхуд гармония, ёки шуларнинг ҳаммаси уйғунлигида тасвирлайдилар», -деса, кейинги ўринда «бирок баъзи санъатлар борки, улар ҳамма айтилганлардан, яъни ритм, оҳанг ва вазндан фойдаланади, масалан, дифирамбик поэзия, трагедия ва комедиялар шулар жумласидандир»²⁹ -дея талқин этади. Ритм шеър муסיқийлигини ва умуман бадийлигини таъминловчи асосий воситалардан бири.

«**Қофия ва унинг фонопоэтик хусусиятлари**» номли тўртинчи фаслида поэтик матндаги қофиянинг фонетик хусусиятлари ҳақида сўз юритилади. Қофия сегмент бирликларнинг вертикал ҳаракатидир. Шу ўринда «сегмент» атамасига изоҳ берсақ, Азим Ҳожиёвнинг «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати»да шундай келтирилади: сегмент (лотинча, segmentum–қирқиш, бўлақ) нутқнинг фонетик жиҳатдан бўлақларга бўлиниши (сегментланиш) натижасида ҳосил бўлган бўлақ. Масалан, фраза, такт, бўлақ. Нутқ занжирида бирин-кетин келиб эстетик функция бажарувчи товушлар эса фонопоэтик бирликлардир. Фонетик бирлик сифатида муҳим аҳамият касб этувчи яна бир қанча бирликлар: товушнинг тони, баландлиги, кучининг ўзгариши кабилар эса кўшимча равишда ҳамроҳ бўладиган ва кўшимча маъно юкини юклашга хизмат қиладиган эррелевант бирликлардир.

Хулоса қилганда, қофия товушларнинг мослиги, ўхшаш, баъзи хусусиятлари билан бирлашиши каби ҳодисалар қофиянинг асосий бирлиги

²⁸ Содиков А., Абдуазизов А., Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. –Т.: Ўқитувчи, 1981., –Б.46.

²⁹ Арасту. Поэтика. –Т.: Янги аср авлоди, 2004., –Б.21.

ва қофия эса фонетик фундамент асосига қурилганлиги учун фонопоэтик элемент сифатида талқин этилиши маъқул.

Учинчи боб «**Бармоқ системасининг фонопоэтик хусусиятлари**» деб номланган. Биринчи фасли «**Поэтик матнни ўрганишда герменевтиканинг роли**» деб номланган. Герменевтика–(юн.hermeneutike, hermenio «тушунтираман») матнларни тушуниш, талқин қилиш санъати, уни талқин қилиш тамойиллари ҳақидаги таълимот саналади. Унинг текшириш методи герменевтик методдир. Ҳозирги кунда герменевтика гуманитар фанларнинг методологик асоси ҳисобланади. Матнда муаллиф фикрини ўқувчи томонидан англаш, тушуниш герменевтиканинг муҳим вазифаси саналади. Герменевтика илдизлари антик даврларга бориб тақалса ҳам, мустақил илмий йўналиш сифатида XIX асрда немис мутафаккирлари Ф.Шлейемахер ва В.Дилькийлар асарлари орқали шаклланди. Бу йўналиш XX асрда немис олими Г.Г.Гадамер ва француз олими П.Рикёрлар томонидан ривожлантирилди. Г.Г.Шпет бу таълимотнинг кўп асрлик тарихини тадқиқ этган бўлса,³⁰ М.М. Бахтин ўзининг «Гуманитар фанларнинг фалсафий асосларига доир», «Адабиётшунослик методологиясига доир», «Гуманитар фанлар методологиясига доир» китоблари орқали уни оммалаштирди.³¹ Матннинг герменевтик концепцияси асосан XX асрда шаклланган «матн» тушунчасининг филологик фалсафий жиҳатдан англаш билан боғлиқ. Тушунишни амалга ошираётган ҳар қандай онг ўзининг тарихига эга. Ўқувчининг шахсий борлиғи ҳеч нарсага бўйсунмайди. Герменевтиканинг биринчи шарт–нарсани тушуниш (предметное понимание),³² бу мен ва бошқа киши битта нарсани назарда тутган вазият. Поэтик матннинг мазмунини идрок этишда ўқувчида аввалдан шаклланган билим захираси бўлмоғи лозим. Бадиий нутқни ўқиб тушуниш учун ундаги образлар, тасвирлар моҳияти, ёзувчи услуби ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиши керак. Акс ҳолда ўқувчи учун бундай шеър ёки насрий асарнинг талқини мураккаб туюлади ва моҳиятан мавҳум бўлиб қолади. Масалан,

*Эртага/
Уст-бошин қоқиб Эр Тўнга/
Тулпорига урар эгар-жабдуқни./
-Бириктирай,-дейди, -ёнгану тўнган,/*
Уруздек сочилган урузни!

(Иқбол Мирзо)

Мазкур шеърни тушуниш ва талқин этиш учун дастлаб «Эр Тўнга» образи, сўнг тулпор, эгар-жабдуқ, уруғ деталлари билан ва «ёнгану тўнган», «бириктирай», «урузни» кабиларни тушуниш, улар ҳақида маълум билим баъзасига эга бўлиши, шунингдек, уруғнинг ўрни ва вазифасини инобатга олган ҳолда (*Уруздек сочилган урузни!*) англаш лозим. Шунда тушуниш ва талқин муайян вазифа бажаради: аслида бу ерда маъжозий-рамзий маъно

³⁰ Шпет Г.Г. Герменевтика и ее проблемы...//Котекат. 1989, 1990, 1991, 1992, –М.,1989-1992

³¹ Нурмонов А.Н. Танланган асарлар. –Т.: «Akademnashr», III жилдлик, I жилд, 2012, –Б.49.

³² Гадамер Г.Г. О круге понимания.//Актуальность прекрасного. –М.: Искусство, 1991.

